

Xabar

50
(1056)-son

14-dekabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

U'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2013 йил — Обод турмуш йили

Ободлик кўнгилдан бошланади



Юрт ободлиги, одамлар саломатлиги, дастурхонлар тўкинлиги энг улуғ неъматлардир. Республикамиз мустақиллиги кўлга киритилганидан сўнг ҳар бир йилнинг алоҳида ном билан аталиши, бу ном остида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йиллар бир-бирини тўлдириб, такомиллашиб бораётгани айна ҳақиқат.

Юртимизда ўтган йиллар давомида инсон омилига бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам ошди. Қисқа фурсат ичида юзлаб замонавий турар-жой бинолари қад кўтарди. Ўнлаб олий ўқув юртлари, поликлиникалар қурилиб, сўнгги русумдаги анжомлар билан жиҳозланди ва фойдаланишга топширилди. Айниқса, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчилар, хусусан, аёллар меҳнатини энгиштиришга катта эътибор қаратилди. Президентимиз томонидан айтилган "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган ибора одамлар ўртасида кенг тарқалиб, кишиларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этяпти.

2-бет

Сўнгги янгилик!



Google+ энг тез ўсаётган ижтимоий тармоққа айланди. Бу ҳақда Google блоги маълум қилди. Статистика маълумотларига қараганда, лойиҳа абонентлари ҳозир 135 миллион кишига етган, эътиборлиси, 35 фоиз фойдаланувчи сўнгги уч ойда уланган. Google+ ишга тушганига эса бир ярим йил тўлди.

Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Замонавий хизматлар "Ягона ойна"да	3
■ Сиёсий донолик ва тафаккур маҳсули	4
■ Услуги "Билайна" теперь можно оплатить с помощью системы WEBSUM	6
■ Япония гранти асосида	12
■ IBM: Келажак шу технологияларники	14
■ Ёнгин хавфсизлиги ойлиги	15

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 7 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг йигирма йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди. Президентимиз кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди. Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижроичиларнинг байрам концерти билан аяқланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлариغا мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнатилган намуна кўрсатган бир гуруҳ юрtdошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Давлатимиз раҳбари Оқсарой қароргоҳида 7 декабр куни тақдирланганларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори чоп этилди.

Тошкентда “Йил аёли — 2012” анъанавий миллий танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танлов якунига кўра, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги “Элдорбек Абдоржон Лукмонович” фермер хўжалиги раҳбари Насиба Нурова ғолиб деб топилди ва “Матиз” автомашинаси билан тақдирланди.

Ёшлар ижод саройида “Тошкент қувончлари” IV Халқаро болалар расмлари биенналесини бошланди. Бу йилги кўргазмага 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўзбекистонлик ёш ижодкорлар билан бирга АКШ, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Руминия, Латвия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Сингапур, Озарбайжон, Украина сингари ўттизга яқин мамлакат болаларининг икки мингдан ортиқ ижодий иши тақдим этилган. Уларнинг ижодий ишлари “Болалик дунёси”, “Менинг Ватаним”, “Мен яшаётган дунё”, “Менинг орзуим”, “Мен билган Ўзбекистон” сингари мавзулар бўйича намоиш этилмоқда.

Ўзбекистон 2013 йилда бизнес учун дунёдаги энг истиқболли 20 давлат каторига қўшилган Марказий Осиёдаги ягона давлат бўлди. Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Британиянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланган Марplesoft консалтинг компанияси ҳулосасига асосланган ҳолда эълон қилди. Рўйхатда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Жанубий Корея ва Малайзия етакчилик қилмоқда.

ШУНИ ТАЪКИДЛАШ КЕРАККИ, ОБОД ДЕГАН СЎЗНИНГ МАЪНОСИНИ БИЗ ЖУДА КЕНГ ВА ЧУҚУР ТУШУНАМИЗ. ОБОД ДЕГАНДА ХАЛҚИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗ НАФАҚАТ КЎРКАМ ВА ЧИРОЙЛИ, ШУ БИЛАН БИРГА, ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК, ЎЗАРО МЕҲР-ОҚИБАТ, АҲИЛЛИК, ФАЙЗ-БАРАКА ҲУҚМРОН БЎЛГАН ЖОЙЛАРНИ, ДОИМО ПОК НИЯТ ВА СОҒЛОМ ИНТИЛИШ БИЛАН ЯШАШНИ ТАСАВВУР ҚИЛАДИ.

Президентимиз Ислам КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасидан.

Ободлик кўнгилдан бошланади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Биргина жорий Мустаҳкам оила йилида қўлга киритган ютуқларимиз салмоғи ҳам ғоят улкан. Уни қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади:

- шу йил бошидан бери 2 минг 400та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси Обод турмуш йилида яна шунча квартира қурилиши режалаштирилган. Ана шундай уйлارни сотиб олишда қулайлик яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин ипотека кредитлари берилди.

- оилаларнинг фаровонлиги ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини лойҳалаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

- ёш оилаларга ёрдам тариқасида минший техника ва уй-рўзгор буюмлари харид қилиш учун 71 миллиард сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди.

Бу рўйхатни турли соҳаларда, яъни кам таъминланган оилаларни



қўллаб-қувватлаш, ўқувчи кизларни спортга кенг жалб этиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёш оилаларнинг никоҳ тўйларини ўтказиш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишга сарф этилган маблағлар ҳисобига яна давом эттириш мумкин.

Юртбошимиз таклифи билан келгуси йилга Обод турмуш йили деб ном берилиши замирида ҳам амалга оширилажак кўплаб эзгу ишлар ётибди. Демак, юқоридаги йўналишларда бундан бир неча йил олдин бошланган ва йилдан-йилга салмоғи ортиб бораётган бунёдкорлик ҳамда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кенг қўламли ишлар нафақат изчил давом эттирилади, балки янада янги, юксак босқичга кўтарилади.

“Шуни таъкидлаш керакки, —

деди Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида. — Обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунашимиз. Обод деганда халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-баракат ҳуқмрон бўлган жойларни, доимо пок ниют ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади”.

Дарҳақиқат, азал-азалдан танисхатлиқни, тинчлик-осойишталиқни қадрлайдиган, аёлларни эъзозлайдиган, атрофни озода сақлаб, ундан роҳатланадиган, чиройли уйлار қуриб шодланадиган халқнинг фарзандларимиз. Юртни обод этиш ҳукумат эътибори даражасида экан, демак, келгуси йилда ҳам оилалар фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида бошланган ишлар янада юқори суръат билан давом эттирилади, мамлакатимиз хазиргидан-да гўзал ва бетакрор бўлади. Халқимиз аҳилликни маёқ қилган ҳолда янгидан-янги марраларни қўлга киритаверадилар.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Мақсадимиз — хайрли ишлар

“Ўзбектелеком” АК “Бош коммутация маркази” филиалида байрамларни кўтаринки руҳда нишонлаш анъанага айланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги арафасида ҳам кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 30 ноябр куни байрамга бағишланиб Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси девони раҳбари Даврон Сафаров ҳамда ушбу девон мутахассиси Мақсуда Поянова иштирокида “Фуқаролик жамияти шаклланишида сиёсий партияларнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни филиал касба уюшмаси қўмитаси раиси Дилшод Усмонов кириш сўзи билан очди ва бахтимиз комуси бўлган Конституцияни ўрганиш юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиб,

Конституцияни яхши билган, унга амал қилган шахс ҳаётда ҳеч қачон қоқилмаслиги, зеро, Конституция ҳар бир давлат, ҳар бир миллатнинг бугуни, эртаси, келажакни белгилаб берувчи, тараққиёт йўлини кўрсатувчи сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат эканлигини қизқарли мисолларда тушунтириб ўтди. Шунингдек, тадбир меҳмонлари Д.Сафаров ҳамда М.Пояновалар ЎЗМТДПнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тушунчалар беришди.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллиги ҳамда 3 декабр — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 11 нафар ишламаётган ногирон фахрийга ва 31 нафар ёлғиз пенсиясиз моддий ёрдам тариқасида озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, тизимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлардан бир гуруҳи “Xabar” газетасига 2013 йил учун беғул обдана килинди.

М.АРИПОВА,
“БКМ” филиали маънавий-маърифий ишлар методисти

Конституция мадҳи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейда Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, Ўрта-маҳсус касб-ҳунар бошқармасининг ижтимоий-маърифий наشري “Келажак” газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда “Эркинлик ғалабаси муҳрланган кун” мавзусида заковат ўйини ташкил этилди.

Унда лицейнинг 1-босқич ўқувчиларидан ташкил топган “Адолат” ва “Адвокатлар” гуруҳи иштирок этди. Улар асосан Конституция, унинг мазмун-моҳиятини очиб бе-

рувчи учта шарт бўйича беллашдилар. Хакамлар хайъатининг қарорига кўра, “Адолат” гуруҳи ғолиб деб топилди. Тадбир иштирокчилари АКМ ҳамда “Камолот” ЁИХ вилоят бўлими томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир давомида академик лицей иқтидорли ўқувчилари томонидан ижро этилган Ватани, садокатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, дилбар рақслар барчага кўтаринчилик бахш этди.

Мамлакатхон НАЖИМОВА,
АКМ маънавий-маърифий ишлар бўйича ёшлар билан ишлаш бўлими мудир

Замонавий хизматлар "Ягона ойна" да

КАШҚАДАРЁ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Фузур ва Қамаш туманлари марказларида "Ягона ойна" тамойили асосидаги универсал телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи янги савдо нуқталари ўз фаолиятини бошлади.



Эндиликда яна икки туман аҳолисига ҳам алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг замонавий хизматлари — юқори тезликдаги интернет, симсиз телефон алоқаси, интерактив рақамли телевидение ва бошқалар кўрсатилади.

Туман марказларида фойдаланишга топширилган "Ягона ойна" савдо нуқтасининг очилиш маросимида "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали директори Жуманазар Бозоров, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлашти-

риш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Жабборов, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, марказнинг туманлар ижтимоий ҳаётида тугган ўрни, афзалликлари тўғрисида гапирдилар.

Шу кунги Ўзбекистон Рес-

публикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг раиси Хуршид Мирзахидов видеоонлайн орқали маросим иштирокчиларини Асосий қомусимизнинг 20 йиллиги ҳамда бу каби марказлар фаолияти билан табриклади.

Афтондил ИСМОИЛОВ

БУХОРО

Ромитан тумани марказида универсал телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи савдо шохобчасининг очилиш маросимида "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали директори Абдурахмон Шобоев, туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Зулайхо Нарзиева ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳудудда, шу жумладан, алоқа соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз юритдилар.

ЎТТВ лойиҳаси бўйича аҳолига тезкор алоқа хизматлари кўрсатишга киришилганлиги юзасидан, шунингдек, туман телекоммуникациялар боғламаси ва янги савдо шохобчаси жамоалари зиммасига юклатилган долзарб

вазифалар бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Шу кунги вилоятнинг Шофиркон, Пешку ва Қорақўл туманларида ҳам "Ягона ойна" шохобчалари ўз фаолиятини бошлади. Шундай қилиб, барча шаҳар ва туман марказлари ана шундай шохобчаларга эга бўлдилар. Уларда мижозлар учун қулайликлар яратилиб, қатор хизмат турлари, жумладан, интернет, CDMA стандартидаги мобил алоқа ва мобил интернет, видеотелефония ва IPTVдан фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

Ромитандаги савдо шохобчасининг очилиш маросими видеоонлайнда намойиш этилди.

Асқар ИСТАМОВ,

"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

ФАРҒОНА

Ўтган ҳафтада "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали мажлислар залида филиал ҳамда саккизта, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги арафасида ишга тушган Фарғона тумани марказидаги "Ягона ойна" савдо шохобчалари мутахассисларининг малакаси оширилди.



Тўрт кунлик ўқув курсини "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали биринчи тоифали муҳандиси Музаффар Тоҳиров олиб борди.

— "Кенг поласали интернет, IP телефония ва IPTV хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш" мавзусидаги кўчма ўқув курси жараёнида янги иш бошлаган мутахассисларга ўзимдаги бор билим ва малакани етказишга ҳарakat қилдим, — дейди у. — Тинг-

ловчиларнинг назарий ва амалий билимлари бойиди. Мухими, вилоятда меҳнат кўникмаси кучли, салоҳияти билан "ярқ" этиб ажралиб турганлар кўпчилик экан. Улар барча қулайликлар яратилган залда назарий ва амалий имтиҳондан муваффақиятли ўтдилар.

ADSL технологияси, DSLAM модеми, уларнинг ишлаш жараёнлари, ускуна ва қурилмаларнинг самардорлигини ошириш бўйича

ҳам теранроқ тасаввурга эга бўлдилар. Бундан ташқари, тингловчилар модерна янги хизмат турларига созлаш, абонентлар ҳурматини қозониш билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган қўлаб саволларга жавоблар олдилар.

Ўқув курси якунида тингловчиларга сертификатлар топширилди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

TADBIR

Тошкент алоқа касб-хунар коллежида ўтказилган тадбир ана шу мавзуга қаратилди. Тадбирни очар экан, коллеж директори Файзулла АФЗАМОВ юртимизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, одам савдосига қарши кураш борасида анчагина ишлар амалга оширилаётганлиги ҳақида тўхталди.

Ҳушёр ва огоҳ бўлайлик!

— Шундай бўлишига қарамасдан, вояга етмаганлар ўртасида жиноят қилувчилар оз бўлса-да учраб турибди, — деди у. — Ваҳоланки, республикада ҳуқуқни ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитни яратиб қўйибди. Жумладан, бизнинг коллежимизда ҳам соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиш учун ҳамма имконият бор. Сўнгги русумдаги алоқа воситалари билан жиҳозланган фан кабинетлари, спорт зали сизларнинг ихтиёрида. Устоз-муаллимлар яхши ўқишингиз, малакали мутахассис бўлишингиз учун ҳаракат қилишмоқда. Шундай экан, буларнинг қадрига етиб, келажакда Ватанга муносиб фарзанд бўлишингиз талаб этилади.

Шундан сўнг одам савдоси ҳамда диний экстремизмнинг оқибатлари ақс эттирилган видеофилм намойиш этилди. Намойишдан сўнг тадбирга таширф буюрган Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходимлари — Тошкент шаҳар ИИБ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бўлим бошлиғи Фаррух Холов, Шайхонтоҳур туман ҲООБ бошлиғи Ҳожажакбар Усмонов, "Лабзак" маҳалласи участка инспектори Еркин Рўзметов ва бошқалар ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлишнинг аҳамияти, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапиришди, ўқувчиларни тартиб-интизомли бўлишга чақирди.

Коллеж ўқувчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

Юрт тинч — оилалар тинч

Ҳар бир оила моҳиятан кичик бир мамлакатга ўхшайди — ўзига тегишли моддий ва маънавий сарҳади, ўзига мансуб тартиб-қоидалари бор. Аммо, уларни муҳим бир ришта — умуммиллий қарашлар тизими бирлаштириб туради. Бу кечаги кундан хулоса, бугунидан маъно ва эртасидан умид топиб яшаётган инсонлар танлови. Мустаҳкам маънавий илдизларга таяниб яшаш саодатидир.

А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида "Турон" маҳалласи, 11-умумтаълим мактаби ва Маданият ва санъат коллежи билан ҳамкорликда "Юрт тинчлиги оилалар тинчлигини бошлаш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда маҳалла фуқаролар йиғини имом-хатиби Суннат Олимов ҳамда маҳалла фаоли Гулчехра Собирова оилада фарзандлар тарбияси ҳақида сўз юритишди.

Шунингдек, фарзандларининг ардоғида пиру бадавлат умргузаронлик қилаётган Мухаррам ая Бобоевона, Махфират ая Қаюмова ҳамда бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган азиз устоз, фахрий китобхонимиз Раъно опа Мусаевалар "Қайнона она эмасми?" мавзусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Давра суҳбати мактаб ўқувчилари томонидан тайёрлаб келинган адабий-бадний чиқишлар билан давом эттирилди.

Тадбир қизиқарли савол ва жавоблар билан яқунланди.

Шамсия БАҚОЕВА,
вилоят АКМ директори ўринбосари

Сийёсий донолик ва тафаккур маҳсули

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган ва оширилаётган туб ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон дунёдаги энг илғор демократик давлатлар қаторидан мустақкам ўрин эгалламоқда. Жамият ҳаётидаги мустақкам барқарорлик, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқадамлик, мустақил юригилаётган ички ва ташқи сийёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, ижтимоий-сийёсий ҳаётни эркинлаштириш, энг асосийси, биз ўз танлаб олган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан дадил одимлаётганимиз эришаётган улкан ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда.

Албатта, бу каби улдувор марраларни забт этишимизда мустақил ҳаётимизнинг муҳим ҳуқуқий кафолати, тинч-осуда, фаровон турмушимизнинг мустақкам кафолати бўлган Конституцияимизнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Бош қомусимизда инсон омилига эътибор юқори даражага олиб чиқилгани, инсон ҳуқуқий олий қадрият сифатида белгилаб қўйилгани барча соҳаларда қўлга киритаётган мислсиз ютуқларимиз гаровидир. Инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган ҳуқуқий меъёрларнинг алоҳида мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида ўз ифодасини топган. Яъни, "Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ҳоқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойиш қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондалари устулунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиртишларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишни қўзғалаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади", — дея белгилаб қўйилган.

Мазкур Муқаддимада зикр этилган бу асосий принциплар бошқа бир неча қондалар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг руҳи ва моҳиятини ифодалаб, унга киритилган 128та модданинг мазмунини ўзида мужассамлаштирган.

Мухтарам Президентимиз Асосий қонунимиз ҳақида шундай фикр билдирган эди: "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча асосий ғоя ва қондаларини ўзига сингдирган".

Мана йигирма йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда ижтимоий муносабатлар соҳасида қабул қилинаётган барча ҳуқуқий ҳужжатлар учун тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йилнинг 12 ноябр кунин Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқувчи, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ижтимоий-сийёсий ҳаётимизда бутунлай янги бир давр бошлаб берувчи муҳим дастурий аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Юртбошимиз турли йўналишларда тақдир этган қонунчилик ташаббусларининг босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳаётга жорий этилаётгани эса халқимизнинг янада буюк марраларни эгаллашида мустақкам ҳуқуқий асосдир.

Албатта, ҳозирги тезкор ҳаёт динамикаси, мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги туб ва изчил ислохотлар, тараққиётнинг яна бир янги даврига қадам ташлаш Конституцияимизга баъзи ўзгариш ва қўшимчалар киритишни ҳам тақозо этади. Бу жараён Бош қонунимизнинг бутун мазмун ва моҳиятини инкор этиш эмас, балки бунда фақат унинг айрим жиҳатларини реал турмуш тарзига мослаштириш ва юзага келиши кутилаётган янги муносабатларни тартибга солишга тайёрлаш ҳамда аниқлаштиришдан иборатдир.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига киритилган Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиб бориш нормаси энг демократик тамойиллардан келиб чиққанини эътироф этиш жоиз. Шунингдек, 80-моддага киритилган ўзгаришга мувофиқ, Олий Мажлис Сенатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашдек яна бир мутлақ ваколат берил-

ди. Бу эса, ўз навбатида, Сенат ваколатларини янада кенгайтириш билан бирга, парламент назорати механизмларини тақомиллаштириш имконини яратди.

Конституцияимизнинг 93-моддаси бичрич қисми, 8-бандидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти "ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади" деган сўзларнинг чиқариб ташлангани эса давлат ҳокимиятининг учта субъекти ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишида муҳим аҳамият касб этди.

93-модданинг 12-бандига Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ҳамда бу масалани Олий Мажлис Сенати тасдиқлаб киритиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига берилгани давлат бюджетининг мақсадли ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишга йўналтирилган. Худди шу модданинг 15-бандида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимини эндиликда Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан тайинлаш белгилаб қўйилди. Бундан асосий мақсад ҳуқуқат ва ҳуқуқат раҳбарининг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтиришдир. Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида раислик қилишга ҳақли эканлиги ҳақида қонда эса Конституциянинг 98-моддасидан 93-моддасининг 16-бандига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига киритилган яна бир муҳим ўзгариш — мамлакат Президенти турли сабабларга қўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилишидир. Бунда уч ой муддат ичида, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ риоя этган ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилиши зарурлиги қатъий қонда сифатида белгилаб қўйилди. Мазкур модданинг янги тахрирда баён этилиши аниқликни, яъни аввалги тахрирни турлича талқин этишнинг олдини олишни назарда тутди.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 98-моддасига киритилган ўзгаришларга асосан Бош вазир лавозимига номзод қўрайтиш ва уни тасдиқлашнинг демократик принципларини ифодалайдиган янги ҳуқуқий тартиб ўрнатилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг қўп депутатлик ўрнини олган сийёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сийёсий партиялар томонидан тақдир этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи ҳам берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган юқоридаги ўзгариш ва қўшимчалар, энг аввало, парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, сийёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролинини янада мустақкамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишида алоҳида аҳамият касб этди.

Халқимизнинг сийёсий донолиги ва тафаккури маҳсули бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга уйғун равишда қабул қилинган қонунларимизга таяниб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси Ватанимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилгани барчамизга бирдек аён. Мақсадимиз, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги — умуммиллий ғоя атрофида жиқлашиб, ҳуқуқий-демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали дунёнинг энг ривожланган илғор давлатлари қаторида тенглар ичра тенг бўлиш, улар сафидан муносиб ўрин эгаллашдир.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

Истиклол кўзгуси



ALOQACHILAR IJODIDAN

Истиклол кўзгуси — Бош қомусимиз, Мужассам эркимиз мағзи, асоси. Фахримиз, кадримиз, шон, ғуруримиз, Хар бир саҳифада хурлик нафаси.

Китоблар ичида улғу бир китоб, Аждодлар орзуси, тенгсиз хазина. Йўлимиз ёритар гўёки офтоб, Бизларни чорлайди ҳаёт тарзига.

Барча ҳуқуқимиз акс этган аниқ, Ифода этилган миллат ғояси. Ўқисак фикримиз тортади тиниқ, У билан мустақкам юрт ҳимояси.

Накадар хушхаво обод Ватанда, Орзулар, тилақлар, истаклар мурод. Яшаймиз мардона — гулгун чаманда, Меҳнатда, ижода эркин ва озод.

Дилларда, тилларда шодлик, тарона, Хар куй мангикада иқбол завқи бор. Турмушимиз тотли, хуррам замона, Бахтимиз, барк урган зафар барқарор.

Маърифат, саодат, фан, истироҳат — Барчаси давримиз нашидаси — соз. Мақсадимиз тинчлик, дўстлик, садоқат, Кудрат, иродамиз ғолиб-дилнавоз.

Тенг қонун, кенг қонун, элу юртга мос, Шу юртдир эркесвар кўзлар қароғи. Абдий порлайди ўчмас машғола, Истиклол асрининг нурли чироғи!

Бутун жаҳон ичра олган зўр баҳо, Қанча эъозласак арзитайдир у. Мукамал дастурдир, тенгсиз ва танҳо, Она юрт қомуси — ҳужжатдир эзгу!..

Мақсуджон ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
"Телекоммуникация транспорт тармоғи"
филиали Иккичя бoғдамасининг муҳандиси

Ахборот технологиялари – почтага қўшқанот

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Почта алоқаси соҳасини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш" мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан ташкиллаштирилган ушбу анжуманда соҳа раҳбар ва мутахассислари мамлакатимиз миллий почта оператори томонидан бу йўналишда амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар ҳақида маълумот беришди.

Хозирда жаҳоннинг аксарият почта хизматлари ўз фаолиятига АКТни фаол жалб этмоқда. Негаки, замонавий ахборот технологиялари хизматлар сифатини янги поғонага чиқаришнинг кафолати бўлиб қолди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг биринчи ўринбосари Хатира Тожиеванинг таъкидлашича, мамлакатимизда почта соҳасига илгор иш услублари фаол жалб этилмоқда ва бу аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини юқори даражага кўтариш имконини бермоқда.

Ахборот технологиялари барча соҳалар қатори почта соҳасига ҳам шавҳдам кириб келяпти. Ўз-ўзидан, янги хизматларни йўлга қўйиш ва янада ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бу йўналишдаги ишларни бошлаганига бир неча йиллар бўлди. Хусусан, 2005 йили Бутунжаҳон почта иттифоқининг IFS молиявий тизимига мамлакатимиз почтаси ҳам уланди ва унинг 14та филиалида электрон пул ўтказмалари ишга туширилди. Бугунги кунда мазкур тизимга 945та почта алоқаси объектлари (бўлимлари) боғланган.



2008 йили мазкур тизим асосида Украина, Россия, Қозоғистон, Беларус ва Молдова билан халқаро электрон пул ўтказмалари хизмати йўлга қўйилди. Жорий йилнинг дастлабки 9 ойида мамлакатимиз почта тизими орқали 28,4 млрд. сўмлик электрон пул ўтказмалари амалга оширилди, бу хизматдан 1689,5 млн. сўм даромад олинган.

2012 йили яна бир янги лойиҳа амалга ошди — март ойидан бошлаб гибрид (аралаш) пул ўтказмалари тизими ишга туширилди, июн ойидан эса тўлиқ электрон шаклда қабул қилиш йўлга қўйилди.

Жамиятнинг "Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими" дастурига (2007 йили ишга тушган) бугунги кунда



945та алоқа бўлими уланган. Коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарда тўловларни қабул қилишнинг ягона тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли дастурдан шу пайтгача фақат почта алоқаси бўлимларида қўлланилиб келинаётганлиги.

2012 йили "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан республиканинг барча ҳудудларида электр энергиясидан фойдаланувчилар билан ҳисоб-китоб учун автоматлаштирилган биллинг тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизим билан онлайн тартибда маълумотларни алмашишни йўлга қўйиш мақсадида юқоридаги дастур модернизация қилиниб, "Ўзбекэнерго" ДАК тизимига мувофиқлаштирилди. Ҳозир "Тошкент почтамати" филиалида тизимнинг тест-синов ишлари давом этапти.

ОАЖнинг "Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати тизими"ни (2009 йили йўлга қўйилган) Молия вазирлиги ҳузуридаги "Пенсия" дастурига боғлаш мақсадида 2012 йилнинг феврал ойидан модернизация ишлари бошланиб, ҳозирги кунда "Тошкент почтамати" филиалининг барча алоқа бўлимлари тизимга боғланган.

Мазкур тизимнинг жорий этилиши натижасида пенсия ва нафақа тўловлари бўйича битта сумманинг икки марта тўланиши, тўлов миқдори ошириб тўланиши-

нинг олди олиниши билан бирга, ортиқча сарф-харажатларга барҳам берилади.

Жамият томонидан "Обуна" автоматлашган дастури ҳам яратилган бўлиб, "Тошкент почтамати" филиалида синовдан ўтказилиб, жорий этилган. Бугунги кунда дастурни вилоят филиалларида ҳам жорий этиш мақсадида унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Шунингдек, обунани интернет орқали ҳам расмийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилипти.

Бугунги кунга келиб, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тасарруфида 3190та компютер ва сервер техникаси бўлиб, автоматлаштирилган хизмат кўрсатувчи иш ўринлари сони 1298тани ташкил қилади. Жамиятнинг корпоратив компютер тармоғига 1960та компютерлаштирилган иш ўринлари боғланган.

2012 йили очик акциядорлик жамияти филиалларидаги иш ўринларини автоматлаштириш мақсадида 470та компютер техникаси, 538та принтер, 470та UPS қурилмаси сотиб олинган.

Тадбирда "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти мутахассислари соҳага АКТни жорий этишнинг бошқа йўналишлари ҳақида ҳам сўз юритиб, келгуси йил учун белгиланган режаларга ҳам батафсил тўхталишди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

2008 йил — S10 халқаро стандартига мувофиқ халқаро почта жўнатмаларига штрихкодлар ёпиштириш йўлга қўйилди.

2010 йил — ахборот-маълумот тизимини интернет (IBIS) қўллаган ҳолда жўнатмалар бўйича эътирозномалар (рекламация) алмашинуви жорий этилди.

2011 йил — "Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими" жорий этилди.

Йилнинг энг яхши дарслиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармасининг 2012 йил 17 сентябрдаги "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2012" республика танлови якунлари тўғрисидаги 12/33/44-қарорига мувофиқ Тошкент ахборот технологиялари университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмалари фойиб деб топилди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси катта залида "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2012" республика танлови фойибларига тантанали равишда фойиблик дипломлари, фахрий ёрликлари ва эсдалик мукофотларини топшириш тадбири бўлиб ўтди.

"Телекоммуникация тармоқлари" (дарслик), муаллифлар Н.Гултурраев, Н.Ходжаев, А.Нормуродов — 1 ўрин;
"МАТЛАВ асослари" (ўқув қўлланма), муаллифлар М.Мухитдинов, Т.Дадажонов — 2 ўрин;

"Электроника" (дарслик), муаллифлар Х.Арипов, А.Абдуллаев, Н.Алимова, Х.Бўстонов, Е.Объедков, Ш.Тошматов — рағбатлантирувчи ўрин;

"Электр алоқа назарияси" (ўқув қўлланма), муаллифлар А.Абдуазизов, Н.Жўраев, У.Искандаров — рағбатлантирувчи ўринларга сазовор бўлишди.

Фойибларни табриклаймиз!

Ярашбек ЮСУПОВ,
ТАТУ "Радиотехника ва радиоалоқа" кафедраси катта ўқитувчиси

"Xabar" — ҳаммамизники!



Мўтабар ОМОНОВА,
Оққўрғон почта алоқаси тармоғи
муҳандис-технолог:

— Жамоамизда 70 нафарга яқин почта алоқаси ходими меҳнат қилади. Хар йили обуна бошланиши биланоқ ҳамма "Xabar" газетасига тўлиқ бир йилга обуна бўлишади. Шу жумладан, мен ҳам. Нима учун, деган

савол тугилиши тайин.

Бунга сабаб "Xabar"нинг дилмизига яқинлигидир. Зеро, соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларни, ҳатто хориж тажрибасини ҳам шу газетадан ўқиб, билиб оламиз, элишга камарбаста ҳамкасбларимиз ҳаётдан ҳикоя қилувчи мақолаларни ҳам қизиқиб ўқиймиз. Газета саҳифаларида бир неча бор туманимиз почтачилари ҳаётдан ҳам лавҳалар ёритилди.

Истардимки, газета ижодкорлари бундан кейин ҳам қишлоқ почтачилари ҳаётини кўпроқ қаламга олишса.



Полвон РАҲИМОВ,
Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари:

— "Xabar"га нафақат ТАТУ ўқитувчи ва талабаларининг, балки коллежалар устоз ва ўқувчиларининг ҳам эҳтиёжлари катта. Бунинг сабаби шундаки, мазкур газетда алоқачилар иш фаолияти, соҳага оид янгиликлардан ташқари, турли мавзудаги илмий мақолалар ҳам чоп этиляпти. Биз билимга чанқоқ ёшларимиз билан биргаликда уларни қизиқиб ўқиймиз ва муҳокама қиламиз. Керак бўлса, ўзимиз ҳам газета минбарларидан фойдаланамиз. Шуниси муҳимки, газетда чоп этилаётган соҳага оид ҳар бир мақола ўқувчиларимиз

учун қизиқарли. Улар бу мақолаларни бўлажак алоқачи кўзи билан ўқийдилар, ўзлари учун керакли хулоса чиқарадилар. Шунинг учун ҳам мавсум бошлангани билан "Xabar"га обуна қизгин бошлаб юборилган. Ўқитувчи ва ўқувчиларимиз соҳанинг ягона газетасига қизиқиб ёзилмоқдалар.

OBUNA-2013



Роль и значение информации в построении гражданского общества

(Продолжение. Начало в №49 (1055).)

В данной концепции было отмечено, что в процесс производства эфирной продукции внедряются современные цифровые и мультимедийные технологии. Стремительно растет количество пользователей интернетом, число которых составляет на сегодняшний день более 8,5 млн. И в этой сфере одно из важных задач было подписание Постановления Президента Республики Узбекистан "О создании общественной образовательной информационной сети Республики Узбекистан" от 28 сентября 2005 года. Которое имело целью создание необходимых условий для всестороннего удовлетворения информационных потребностей учащихся школ, лицеев, колледжей, студентов высших образовательных учреждений страны, а также развития в национальном сегменте сети интернет молодежных образовательных и познавательных информационных ресурсов было создание единой информационной сети "ZiyoNET". Не зря Президент И. Каримов в данной Концепции уделял особое внимание СМИ. СМИ, как было выше указано, оказывает большое влияние на общественное мнение людей.

Во-первых, следует отметить, что в XXI веке именно средства массовой информации дают возможность чело-

веку узнать об обстановке в мире, получить самые свежие новости из любой части света. Естественно, что сам индивид не способен самостоятельно проверить данные факты на достоверность. Поэтому каждый из нас полагается на правдивость информации, любезно предоставленной журналистами. Выходит, что люди доверяют суждениям и оценкам происходящего средствами массовой информации.

Во-вторых, продолжая тему манипуляции сознанием граждан, нельзя упустить из виду и то, что СМИ нередко являются посредником, который формирует у граждан определенное политическое сознание. При помощи грамотного PR политические партии и их лидеры способны в значительной мере повлиять на ход и результат общенародного голосования. Кроме того, СМИ имеют грандиозные возможности для сплочения людей ради определенного действия. Это своего рода та же пропаганда, только направленная чаще всего на интересы самого социума, а не властей. К примеру, нередко при помощи телевидения, радио и интернета, мы узнаем об акциях в поддержку больных детей. Это является одной из положительных функций (а их достаточно много) средств массовой информации.

В-третьих, многое зависит от того,

Однако самым действенным средством влияния на сознание граждан, безусловно, остается Телевидение. Оно — наиболее мощный канал воздействия на человеческий разум и психику.

каким образом преподносится событие, с какой точки зрения журналист освещает тот или иной факт. От трактовки новости корреспондентом зависит отношение общества к данному явлению.

В-четвертых, СМИ навязывают определенные поведенческие стереотипы, существенно влияющие на восприятие действительности, как среднестатистических граждан, так и элиты общества. Они становятся некими ориентирами, указывающими "как делать надо" и "как не надо". К примеру, одним из таких "указателей" является мода. Нельзя не отметить то обстоя-

тельство, что СМИ оказывают колоссальное воздействие на психологическое состояние и развитие индивида, в особенности ребенка или подростка. Средний потребитель информации, согласно статистике, проводит перед телевизором и слушает радио не меньше 4 часов в сутки.

Однако самым действенным средством влияния на сознание граждан, безусловно, остается Телевидение. Оно — наиболее мощный канал воздействия на человеческий разум и психику. Присутствие не только голоса, но и яркой "живой" картинки на экране — это, безусловно, то, почему телевидение сейчас наиболее популярно среди прочих электронных СМИ. Соответственно, оно имеет больше рычагов влияния на общественное сознание.

Итак, из данных рассуждений можно сделать вывод о том, что в современном мире, в построении гражданского общества роль и значения информации, а особенно СМИ являются важнейшим инструментом формирования мнения и имеют огромное количество орудий влияния на общественное сознание. Как отметил И. Каримов в Концепции — "В целом реализации указанных мер будет способствовать укреплению места и роли СМИ в системе институтов гражданского общества, более полной реализации конституционных прав граждан на свободу слова и свободу выбора".

**А. МУХАММАДИЕВ,
Г. ЮЛДАШЕВА,
доценты Ташкентского
государственного юридического
института**

КОРОТКО...

● Адрес Нарвингера, председатель правления компании TeliSonera планирует уйти в отставку в будущем году. Шведская пресса отмечает, что решение Нарвингера — результат давления со стороны правительства Швеции. Напомним, что на сегодня правительство Швеции является крупнейшим акционером компании с долей в 37,3%. Власти настаивали на уходе Нарвингера из-за слабых показателей компании, а также череды скандалов, сопровождавших компанию в последнее время.

● Знаменитые лондонские такси-кэбы в ближайшем будущем превратятся в передвижные точки доступа в интернет. Пассажирам кэбов станет доступен бесплатный сервис CabWiFi. В обмен на бесплатный интернет-доступ, пользователи получают рекламу — 15-секундный ролик за каждые 15 минут интернет-браузинга.

● В ближайшие два года в интернете появятся сотни новых доменов верхнего уровня. Очередность появления 1400 доменов решит жеребьевка, которая пройдет в США на следующей неделе. 17 декабря 2012 года в Лос-Анджелесе пройдет жеребьевка. Основная цель этой процедуры — определить очередность рассмотрения заявок на новые домены верхнего уровня. Сейчас в очереди 1924 заявки, и в результате жеребьевки каждая из них получит свой номер.

● В канадском городе Калгари внедрена система информирования о движении общественного транспорта на базе технологии Bluetooth. Жители города, пользующиеся общественным транспортом, могут в реальном времени на экраны своих мобильных устройств получать данные о скорости движения, следующих остановках, времени прибытия на ту или иную станцию и прочую дорожную информацию.

Новая система получила название Travel Time Information System.

● Антивирусная лаборатория PandaLabs компании Panda Security обнаружила новую мошенническую кампанию в интернете. Эта новая афера реализуется через электронную почту и удачно приурочена к началу сезона новогодних распродаж. Пользователь

получает по электронной почте ложное сообщение якобы от экспресс-почты FedEx, с помощью которого обманым путем вовлекается в скачивание компьютерного червя Kuluoz.A и фиктивной антивирусной программы под названием System Progressive Protection ("Прогрессивная защита системы").

● Корпорация IBM говорит о разработке нового прототипа микропроцессора, который применяет световые пучки вместо электричества для передачи данных. В компании отмечают, что новый процессор предназначен для работы в будущих интернет-серверах. Новый процессор отказался от обычных медных соединений, по которым идет электрический сигнал, в пользу тончайших оптических волокон по нескольким причинам: во-первых, свет требует меньше мощности, во-вторых, он не имеет существенного электрического сопротивления и не греет чип, а в-третьих, чип на базе светового излучения может передавать значительно больше информации, делая это дешевле, чем современные чипы.

● Компания Microsoft в рамках ежегодного Глобального форума "Партнерство в образовании", который прошел в этом году в Праге, объявила о своей дальнейшей стратегии в области поддержки образовательных программ и инвестировании в размере 250 миллионов долларов в программу "Партнерство в образовании".

"У многих из нас были великие учителя, благодаря которым мы достигли успеха, — сказал Билл Гейтс. — Именно по этой причине я горжусь программой "Партнерство в образовании", которая поддерживает учителей с инновационным подходом в обучении.

● Японская Toshiba разработала маломощные и высокоскоростные версии MRAM-чипов, которые по заверениям производителя, могут снизить энергопотребление в мобильных процессорах до 75%. Компания говорит, что ее новые модули памяти MRAM (magnetoresistive random access memory) могут использоваться в смартфонах как кеш-память для мобильных микропроцессоров, а во времени и полностью заменить используемую сейчас S5RAM-память.

УЗБЕКИСТАН ВЫСТУПИЛ СОВАТОРОМ РЕЗОЛЮЦИИ ООН ПО СОЗДАНИЮ ВЫСОКОСКОРОСТНОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ МАГИСТРАЛИ МЕЖДУ АЗИЕЙ И ЕВРОПОЙ

Делегаты Второго комитета Генеральной Ассамблеи ООН по инициативе Азербайджана консенсусом приняли резолюцию "Расширение доступа к интернету путем создания трансевропейской высокоскоростной информационной магистрали".

Среди соавторов проекта резолюции, принятой в комитете 10 декабря, — Узбекистан, Беларусь, Грузия, Казахстан, Россия, Украина. В документе приветствуется проект по созданию трансевропейской высокоскоростной информационной магистрали, которая призвана содействовать модернизации и диверсификации телекоммуникационных каналов связи между Азией и Европой.

Государствам-членам предлагается поддерживать этот проект и впредь путем привлечения, в соответствующих случаях, возможностей государственного и частного секторов.

УСЛУГИ "БИЛАЙНА" ТЕПЕРЬ МОЖНО ОПЛАТИТЬ С ПОМОЩЬЮ СИСТЕМЫ WEBSUM

Единый оператор связи "Билайн" начал предоставлять возможность оплаты услуг с помощью системы интернет-розничных платежей WEBSUM. Система WEBSUM позволяет пользователям моментально приобретать и реализовывать товары, а также оказывать услуги посредством сети.

Все расчеты в системе производятся учетными единицами WEBSUM (WSM). Учетная единица эквивалентна узбекскому суму (1 сум равен 1 WSM). Используя систему WEBSUM в режиме on-line, можно оплатить не только услуги сотовой связи, интернет, но и платные сервисы популярных социальных площадок odnoklassiki.ru, ВКонтакте, Skype, Torg.uz, а также коммунальные услуги, цифровое телевидение и т.д.

Хабарлар +tv

СУХАНБОШ

5.55 Курсгуварлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Йилки дуга", М/с.
7.20 "Ифтихор"
7.25 "Кунли қишлоқ истайди".
7.35 "Исидин".
7.40 "Ойам ва одам" дастури: "Замин гардонботлари".
8.00 "Ташкилот".
8.40 - 9.40 "Миланият" дастури.
9.40 "Моҳир кўзлар".
9.50 "Танити пахта", Т/с.
10.40 "Исидин".
10.45 "Саломатлик дастури".
11.00 "Абборот".
11.10 "Вағиналарлар".
11.55 "Исидин".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кунли қишлоқ истайди".
12.55 "Доктор Хаюс", Т/с.
13.40 "Зинг сугунаси: Эшиққа мустақамлиги йўналиш".
14.00 "Абборот".
14.15 "Тарқакўлет дастури".
14.45 Ўзбек киноси: "Танитиқ забвар".
15.00 Жаҳон мусофир хазинаси.
Роберт Шуман.
16.40 "Ўзбекистон табияти".
17.00 "Абборот".
17.10 "Кўрган - дарё".
17.30 "Эртаси" - охишлиққа етаклар.
18.00 "Кунли қишлоқ истайди".
18.10 ТВ - шифокор".
18.15 "Мен - шифокор".
18.30 "Ифтихор".
18.35 "Доктор Хаюс", Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эфирлар.
19.30 "Абборот" /рус/.
20.05 "Отин мерос".
20.15 "Ой оғушидаги кўзи". Т/с.
21.00 "Абборот".
21.40 "Муносабат".
22.10 "Кунли қишлоқ истайди".
22.20 "Ўт учурун ит". Б/ф.
00.15 - 00.10 "Оғун".
00.10 Курсгуварлар дастури.
00.15 "Юрган дарё".
00.35 "Моҳир кўзлар".
00.45 "Исидин".
00.50 "Кунли қишлоқ истайди".
1.00 "Абборот" /рус/.
1.30 - 2.25 "Миланият" дастури.
2.25 "Вағиналарлар".
3.05 "Исидин".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Абборот".
4.40 Миллий сериал: "Умар мансифарали".
5.15 "Саломатлик дастури".
5.30 "Ўзбекистон табияти".
5.50 - 5.55 "Оғун".



6.00 "Витан меҳри".
6.10 "Оттин тупрок".
6.20 "Илполар", Т/с.
7.00 "Иуа-Иуавак".
7.30 "Мультипанорама".
8.00 "Болалар табоусони".
8.10 "Илаба", Т/с.
8.40 "Муносабат дунё".
9.30 "Ешиқ наволари".
9.50 "UzEX".
10.00 "Каволот-инфо".
10.10 Миллий кино: "Талителаник янлик".
10.40 "Хает сумоналари".
11.00 "Илҳом қишлоқлари".
11.30 "Барқамоллик йўналиш".
12.10 "Шанолар мамлақати", Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Мерос", Т/с.
14.30 "Седри қўзлар".
14.50 "Ешиқ наволари".
15.10 "Янги Шерлок Холмс", Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 "Илаба", Т/с.
16.40 "Давр мавзуси".
17.00 "Алтигакил ҳам билдими", Б/ф.
18.30 "Ешиқ наволари".
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.10 "Илтипар", Т/с.
20.20 "Кунли қишлоқлари".

ДУШАНБА — 17 ДЕКАБР

20.50 "Эртаси болаларчи".
21.10 "Шанолар мамлақати", Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Қоломбо", Т/с.
23.20 "Алҳом ва ҳақиқат".
00.00 "Витан меҳри".
00.10 "Ешиқ наволари".
00.30 "Давр".
1.00 "Алтигакил ҳам билдими", Б/ф. 1-қисм.
2.30 "Қуламоқ".
3.00 "Нухтин навар".
4.00 "Мерос", Т/с.
5.20-6.00 "Пахана".


ТОШКЕНТ

6.00 Курсгуварлар тартиби.
6.05 "Хает учин шавдон", Б/ф.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Тошкент тароналари.
8.45 "Саргуштарил орола".
9.15 "Интеллектуал оқшом".
9.30 "Поитхат".
9.40 "Ифтихор".
10.10 "Интерва".
10.20 "Миллий астрада симфоник оркестрининг концерти".
10.30 "Поитхат", /рус тилида/.
10.45 "Эртаси эъланлар".
11.00 "Уйларим".
11.05 "Илтипар", Б/ф.
11.30 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.00 "Поитхат".
15.15 "Этиказлар", Т/с. 41-қисм.
15.45 "Бизнес-поитхат".
15.50 "Масрифт фильмлари".
16.05 "Танитиқ ҳужжат".
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мустақиллик: "Айдиқа Гамова".
47-қисм.
17.10 "Уйларим".
17.15 "Қасбим-фаҳрим".
17.25 "Поитхат йўналишда".
18.00 "Поитхат".
18.25 "Интеллектуал оқшом".
18.35 Миллий сериал: "Уштинги суғуна", 22-қисм.
19.05 "Эшиққа".
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
20.00 "Поитхат".
20.25 "Хайри тун, болалар".
20.30 "Фидат қизлар уюни".
21.00 Тошкент тароналари.
21.15 "Интерва".
21.25 "Теле-маркет".
21.50 "Денга ҳўмори", Т/с. 29-қисм.
22.30 "Поитхат", /рус тилида/.
22.55 "Жаҳон адабиети" /рус тилида/.
23.10 "Эхо-поитхат" /рус тилида/.
23.20 "Кино SMS" /рус тилида/.
23.25 "Шақса ва мен-2", Б/ф. /Рус тилида/ (Принц и я).
00.55-1.00 Курсгуварлар тартиби.


SPORT

6.00 "Хайри тонг".
6.10 "Саломат бўлиш".
6.35 "Маҳорат сирлари". Ҳужжатли фильм.
7.25 Болалар майдончаси: Тинтин гимнастика.
7.55 "Спортландия" Мультифильм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Саломат бўлиш".
8.55 ФУТБОЛ. КЛУБЛАР УРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. Финал.
11.15 Футбол. Италия чемпионати. "Ювентус" - "Аталанта".
12.55 Рақамлар, антикалар, реалитлар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Болалар майдончаси: "Спортландия" Мультифильм.
13.40 "Энг қирқилар".
14.40 "Ташриф".
15.10 Биланги. Жаҳон кубоги.
16.15 Футбол. Италия чемпионати. "Барселона" - "Аталанта".

18.00 Болалар майдончаси: "Спортландия" Мультифильм.
18.25 "Элтир".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 ФУТБОЛ. Италия чемпионати. "Лацио" - "Интер".
20.35 "Спорт - маркет".
20.45 "Футбол шарри".
21.25 "Элтир".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
23.15 Сешаба дастури анонси.
23.25 Суши. Жаҳон чемпионати.
00.30 Хабарлар.
00.55 Футбол. Англия чемпионати. "Редин" - "Арсенал" турлидан-турли оғиб кўрсатилди.
3.05 - 5.50 Жаҳон куболарида: Тренинглилар сакриш.
Тое чашити. Чанги юзи кураши.



07.00 08.10 10.30 13.40 15.20 19.40 20.30
00.00 04.00-05.00 "TVM" наволари
08.00 "Prime time".
09.40 Серил "Без следа".
11.30 "Двойная уловка" X/ф.
14.10 Серил "Хищник издала".
15.10 "Prime time".
17.50 "МЛТВА-2012 KUNDALIKLARI".
18.00 "Премьер".
18.30 "Prime time".
18.40 Серил "ХИНДИСТОН ЙУЛЛАРИ".
20.00 "Топ-10".
21.10 Серил "Без следа".
22.00 "ДАРРИ КРАУН" X/ф.
02.00 Фильми, қомеҳо долони уювиди: "Ноги Кабрини" №13 по версии "TVM".



04.00, 08.05 "Добро утро"
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
09.05 "Житли заровот"
10.05 Модаый тригвор.
11.15 Контрольная закупка
11.40 "Время обещать"
12.15 "Лешее и сердито"
13.00 Другие новости
13.25 17.40 Понити. Просити.
14.30 "Добро заровониш"
15.20 Т/с "Женский доктор"
16.10 Т/с "Нерашный брак"
17.00 Вечерние новости
18.10 "Давы поженюном"
19.00 "Пусть говори"
20.00 "Время"
20.30, 02.05 Т/с "Ограбление"
22.20 "Вечерний Ургант"
22.55 "Свобода и справедливость"
23.50 Ночные новости

РОССИЯ 1

04.00 Утро России
08.00 "1000 мелодий". Ток-шоу
08.45 "О самом главном". Ток-шоу
09.30 Т/с "Кухня и партнер"
10.00 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 16.30, 18.40 Вести-Москва
10.50 Т/с "Тайны следствия"
11.50 "Дело Х. Следствие продолжается". Ток-шоу.
12.50 15.45 Вести. Дежурная часть
13.50 Т/с "Ефросинья. Таежная любовь".
14.45 Т/с "Кровица"
16.50 Т/с "Гладиатор при сабача"
19.30 Спокойной ночи, малыши!
19.40 "Прямой эфир".
20.15 Т/с "Белые розовенки"
23.25 "Найти и обезвредить: Кропи".

НТВ

02.55 "НТВ утрон".
05.35 Т/с "Возвращение Мухтара"
06.30 12.30 15.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
07.00 10.00 13.00 16.00 20.15 Сегодня.
07.20 "Жинит же людин".
07.55 "До суда".
